



**ЕДИНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ СИСТЕМА РАЗРАБОТКИ И
СОГЛАСОВАНИЯ ПРОЕКТОВ НОРМАТИВНО-
ПРАВОВЫХ АКТОВ**

Проект

IDORALARNING BUYRUQ YOKI QARORI

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида тиббий-учиш комиссиялари аъзоларини

тайинлаш тўғрисидаги авиация қоидаларини тасдиқлаш ҳақида

IHL-3/23

**Ўзбекистон Республикаси Транспорт Вазирининг
БУЙРУГИ**

Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси ҳамда парвозларни тиббий таъминлашни такомиллаштириш ва халқаро авиация ташкилоти (ИКАО) талабларига мувофиқлаштириш мақсадида, буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида тиббий-учиш комиссиялари аъзоларини тайинлаш тўғрисидаги авиация қоидалари (ЎзР АҚ-68) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан.
2. Айрим идоравий норматив-хуқуқий хужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсан.
3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган.
4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг

2023 йил __ __-сон буйруғига

1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида тиббий-учиш комиссиялари аъзоларини
тайинлаш тўғрисидаги авиация қоидалари**

(ЎзР АҚ-68)

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво **кодекси** ва Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО) стандартлари ва тавсияларига (“Авиация ходимларига гувоҳномалар бериш” Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенцияга 1-илова, “Ходимларга гувоҳномалар бериш давлат тизимини тузиш ва ушбу тизимни бошқариш бўйича қўлланма” DOC 9379, “Авиация тиббиёти бўйича қўлланма” DOC 8984) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси авиаходимларини тиббий кўриқдан ўтказишни амалга оширувчи тиббий-учиш комиссиялари аъзоларини тайинлаш ва уларга **ТУК аъзоси гувоҳномасини бериш** тартибини белгилайди.

1-боб .Умумий қоидалар

1. Ушбу қоидаларда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ТУК – тегишли шифокор-мутахассислардан иборат бўлган фуқаро авиациясининг тиббий – учиш комиссияси;

тиббий-учиш экспертизаси (ТУЭ) – соғлиқ ҳолати бўйича парвозлар хавфсизлигини кафотлайдиган шахсларни танлаб олишга ва уларни ўз касбida сақлаб қолишга ҳамда касбий омилларнинг инсон организмiga таъсирини ўрганишга қаратилган авиация тиббиётининг етакчи йўналиши;

ФА — фуқаро авиацияси;

ваколатли орган – Фуқаро ва экспериментал авиация фаолияти соҳасидаги бошқарув ва назоратни амалга оширувчи Авиация маъмурияти – Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги;

ариза берувчи – гувоҳнома олиш ёки унинг муддатини узайтириш учун ваколатли органга ариза тақдим қилган шахс;

ТУК аъзоси гувоҳномаси – авиаходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш билан боғлиқ тиббий фаолиятни амалга ошириш хуқукини берувчи белгиланган намунадаги хужжат;

МОК – малака ошириш курслари.

2. Шахсларни соғлигига кўра яроқлилигини аниқлаш мақсадида, тиббий кўриқдан ўтказиш ва уларга тиббий хулоса берувчи ТУК аъзолари ваколатли орган томонидан тайинланади. ТУК аъзолари этиб, авиация тиббиётида билим ва тажрибага ҳамда касбий тайёргарликка эга малакали шифокор-мутахассислар тайинланади. Улардан бири, касбий тайёргарлик даражасига кўра, тиббий кўриқ натижаларини мувофиқлаштириш, ТУК аъзоларининг тиббий хулосаларини тиббий нуқтаи назардан баҳолаш, тиббий хулосани

имзолаш ва эгасига бериш учун масъул шахс сифатида раис этиб тайинланади. ТУК ўз номи, Низоми ва муҳрига эга.

3. Ваколатли орган, ТУК аъзоларини тайинлашдан аввал, уларнинг авиация тиббиёти бўйича билимларини белгиланган тартибда текширади. Кейинчалик ТУК аъзоларининг тиббий хуносалари ваколатли органнинг тиббий эксперtlари томонидан белгиланган тартибда мунтазам равишда баҳоланиб борилади.

4. ТУК аъзоси 5 йилгача бўлган муддатга тайинланади. ТУК раиси 3 йилгача муддатга ротация усулида тайинланади.

5. Тайинлаган ТУК аъзолари фаолиятини назорат қилиш учун, ваколатли орган белгиланган режа асосида йилда бир марта инспекция текшируви ўтказади.

6. ТУК раиси, ТУК фаолиятига доир тугалланган йил якуни бўйича ҳисоботни календарь йил тугагандан сўнг, 5 иш куни ичида ваколатли органга тақдим этади.

7. ТУК аъзосини тайинлаш жараёнидан ўтмаган ва тегишли гувоҳномага эга бўлмаган шахслар, ТУК ваколатига кирувчи фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга эмаслар.

8. ТУК аъзосини тайинлаш жараёни мажбурий ҳисобланади.

9. ТУК аъзолари белгиланган талабларга мувофиқ фаолият юритишлари лозим.

2-боб. ТУК аъзоларини тайинлаш босқичлари

10. ТУК аъзоларини тайинлаш қуйидаги тартибда ўтказилади:

а) ариза берувчи ваколатли органга мазкур Қоидаларнинг **1-иловасига** мувофиқ шаклдаги аризани тақдим этади (электрон шаклда ёки поча орқали юбориш мумкин);

б) ариза қабул қилингандан сўнг тақдим этилган хужжатларнинг олдиндан баҳолаш мазкур Қоидаларнинг 4-бобига мувофиқ ўтказилади;

в) олдиндан баҳолаш натижалари ижобий бўлганда, ариза берувчини белгиланган талабларга мувофиқлигини объектив баҳолаш мақсадида мазкур Қоидаларнинг 5-бобига мувофиқ инспекция текшируви ўтказилади;

г) гувоҳнома берилиганда ёки унинг муддати узайтирилганда, гувоҳнома расмийлаштирилади, рўйхатдан ўтказилади ва эгасига берилади.

Гувоҳнома бериш рад этилганда далолатнома нусхаси берилади (электрон шаклда ёки поча орқали юбориш мумкин).

3-боб. Гувоҳнома олиш учун ариза бериш

11. Ариза берувчи мазкур Қоидаларнинг 15-бандига мувофиқ зарур хужжатлар тўплами илова қилинган аризани ваколатли органга тақдим этади.

12. Ариза берувчи, Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида тиббий кўрикдан ўтказиш, тиббий хуносава мазкур фаолиятни юритиш билан боғлиқ бўлган белгиланган талабларга мувофиқлигини ва имкониятларини тасдиқлаши шарт.

13. Ариза ваколатли органнинг раҳбари номига тақдим этилади ва турига кўра қуйидагича расмийлаштирилади:

а) биринчи марта гувоҳнома олиш учун ариза;

- б) гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугаганда уни узайтириш учун ариза;
- в) амалдаги гувоҳномага ўзгартиришлар киритиш учун ариза.

Юқорида кўрсатилган барча ҳолларда ариза шакли ўзгаришсиз қолади.

14. Ўзгартиришлар киритилганда аризада фақатгина ўзгарган маълумотлар ва хужжатлар кўрсатилади.

15. Биринчи марта ТУК аъзосини тайинланишида аризага қуйидаги хужжатлар илова қилинади:

- а) амалдаги санитария нормаларига мувофиқ шифокор хонасини, тиббий техника ва тиббий буюмларни мавжудлигини тўғрисида хужжатлар нусхаси;
- б) мазкур Қоидаларнинг 2-иловасига мувофиқ шифокор-мутахассиснинг касбий тайёргарлиги тўғрисидаги маълумотлар.

ТУК аъзоси гувоҳномаси муддатини узайтиришда ёки унга ўзгартиришлар киритишида аризага қуйидаги хужжатлар илова қилинади:

- а) тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги шартномалар нусхалари;
- б) ТУК тўғрисидаги Низомнинг тасдиқланган нусхаси;
- в) шифокор-мутахассисларнинг амалдаги сони ва эгаллаган лавозимлари тўғрисидаги тасдиқланган штатлар жадвали.

Ваколатли орган заруриятга кўра тегишли хужжатлар талаб қилишга ҳақли.

16. ТУК аъзосини тайинлаш ва гувоҳнома бериш билан боғлиқ ишлар, ариза ваколатли органда рўйхатдан ўтган вақтдан бошлаб 20 иш куни ичида амалга оширилади.

4-боб. Гувоҳнома олиш учун аризани олдиндан баҳолаш

17. Инспекция текшируви ўтказилгунга қадар бартараф этилиши зарур бўлган номувофиқликларни аниқлаш мақсадида, ариза ва илова этилган хужжатларни олдиндан баҳолаш 5 иш куни давомида ўтказилади.

18. Хужжатларда мазкур Қоидалар талабларига номувофиқликлар ва бошқа камчиликлар аниқланганда ёки улар сифатсиз тайёrlанганида, камчиликлар кўрсатилиб, уларни бартараф этиш учун ариза берувчига қайтарилади.

19. Ариза берувчи камчиликларни бартараф этгандан кейин, хужжатларни қайтадан кўриб чиқиш учун тақдим этади. Бу ҳолда, ТУК аъзосини тайинлаш билан боғлиқ ишларни бошлаш санаси, хужжатлар ваколатли органга қайта топширилган кундан бошлаб ҳисобланади.

5-боб. ТУК аъзоларини тайинлаш учун инспекция текшируви

20. Ариза берувчининг белгилangan талабларга мувофиқлигини аниқлаш мақсадида инспекция текшируви ўтказилади.

21. Ваколатли орган раҳбарининг инспекция текширувини ўтказиш тўғрисидаги буйруғи қабул қилингандан бошлаб, 5 иш куни мобайнida белгилangan намунавий дастур ва саволномаларга мувофиқ инспекция текшируви ўтказилади.

22. Инспекция текшируvida, тиббий кўриқдан ўтказиш билан боғлиқ фаолият учун зарур бўлган шарт-шароитлар, тиббий техника ва тиббий буюмларнинг мавжудлиги, тиббий

хужжатларни расмийлаштириш кабилар текширилади.

Инспекция текшируvida, ТУК аъзолари ва тиббий кўрик ўтказишда иштирок этувчи зарур мутахассислар (психолог, гинеколог, эндокринолог, дерматолог, стоматолог ва бошқалар) фаолиятига доир имкониятлар аниқланади ва тасдиқланади.

Стационар ва диагностика бўлимлари мавжуд бўлганда, уларга тегишли фаолиятнинг ҳажми ва сифати таҳлил қилинади.

23. Тиббий техника ва тиббий буюмлар, тиббий хужжатлар ва иш юритишни текшируви натижалари бўйича мазкур Қоидаларнинг **3-4-иловаларига** мувофиқ белгиланган шаклдаги далолатномалар тузилади.

24. Ўтказилган инспекция текширувани натижалари бўйича якуний далолатнома эркин шаклда расмийлаштирилади, унда гувоҳнома бериш ёки унинг муддатини узайтириш ёки беришни рад этиш ёки тўхтатиб туриш ҳақидаги якуний хулоса қайд этилади ва ваколатли орган инспекторлари томонидан имзоланади.

25. Якуний далолатномада текширув хуносаси ва аниқланган номувофиқликларни бартараф этиш ва парвозларни тиббий таъминлашга доир бажарилиши мажбурий бўлган тавсиялар кўрсатилади. Номувофиқликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режасини тузиш ва амалга ошириш учун, якуний далолатнома нусхаси ариза берувчига берилади (электрон шаклда ёки почта орқали юбориш мумкин).

26. Инспекция текшируви хуносасига кўра гувоҳнома бериш рад этилганда, рад этиш сабаблари бартараф этилгандан сўнг, ариза берувчи қайта ариза бериш мумкин.

6-боб. Тиббий кўрикни ташкиллаштиришга қўйиладиган талаблар

27. Ваколатли орган томонидан белгиланган норматив-хуқуқий хужжатлар талабларига мувофиқ, ФА ўкув юртларига қабул қилинаётган номзодлар, ФА ўкув юртларининг курсант ва ўкувчилари, учувчи ва диспетчерлар таркиби, кабина экипажи (борткузатувчи ва бортоператорлар) тиббий кўрикдан ўтказилади.

28. ТУК аъзолари фаолиятини баҳолашда тиббий кўрикдан ўтказиш натижалари, комиссия оралиғи давридаги диспансер кўрувлари, даволаш ва профилактика тадбирларининг бажарилиши, тиббий хуносани тўғри ва холислиги, иш юритиш ва бошқа тиббий кўрикдан ўтказиш билан боғлиқ фаолият текширилади.

29. ТУК аъзолари ва авиация шифокорларининг касбий тайёргарлик даражалари клиник мутахассисларни, авиация тиббиёти бўйича ўкув курсларида тайёргарликни ўтганлиги, малакасини ошириб бориши ва авиация соҳасида иш тажрибасига эга эканлигига кўра аниқланади.

7-боб. ТУК аъзоларининг малакасига ва ТУК ишини ташкил этилишига қўйиладиган талаблар

30. ТУК аъзолари, терапевт, невропатолог (невролог), оториноларинголог, офтальмолог, хирург шифокор-мутахассислардан иборат бўлади. Иш юритишни олиб бориш учун ТУК раиси ТУК котибини тайинлайди.

31. Тиббий кўрикдан ўтувчиларга психолог, стоматолог, гинеколог, эндокринолог, дерматовенеролог ва бошқа мутахассисларнинг тиббий текшируви ваколатли орган томонидан белгиланган норматив-хуқуқий хужжатлар талабларига мувофиқ ўтказилади. Зарурият бўлганда ваколатли орган билан келишилган ҳолда, ФА тиббий муассасалари ва хизмати лицензияланган

тиббий муассасалар малакали мутахассисларини, ФАнинг норматив-хукукий хужжатлари билан таниширилгандан кейин, ТУК таркибида маълум муддатга ишлашлари учун рухсат берилади.

32. ТУК аъзоси этиб, тиббиёт олий ўқув юртининг даволаш факультетини тугатган, олий маълумотли ва мутахассислиги бўйича камида 3 йил иш стажига, малака тоифасига ва ФАда иш тажрибасига эга бўлган шифокор- мутахассис тайинланади.

33. ТУК аъзоси 5 йилда бир марта ўз мутахассислиги бўйича малакасини ошириши керак.

34. ТУК аъзолари авиация тиббиёти бўйича касбий тайёргарликни ўтган бўлишлари ва мунтазам равишда мазқур йўналиш бўйича малакаларини ошириб боришлари лозим.

35. ТУК шифокор-мутахассислари тасдиқланган мансаб йўриқномаси асосида фаолият юритишлари ва ўз функционал мажбуриятларини яхши билишлари керак.

ТУК шифокор-мутахассислари ўз йўналишлари бўйича тиббий кўрик ўтказишда тиббий текширувларни тўлиқ ва сифатли ўтказилганлигига, чиқарилган тиббий хulosаларининг асосланганлигига, тўғрилигига ва холислигига жавобгарлар.

36. ТУК таркиби тўлиқ бўлмаганда тиббий кўриқдан ўтказиш ман этилади.

Зарурият бўлганда ваколатли орган билан келишилган ҳолда, ТУК раисининг вазифаси бошқа тажрибали ТУК аъзосига юклатилади.

37. ТУК аъзолари тиббий кўриқдан ўтказиш тизимини сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида уни доимо такомиллаштириб борадилар.

38. ТУК аъзолари ФАда парвозларни тиббий таъминлаш йўналиши бўйича ва шу билан бирга тиббий кўриқдан ўтказиш билан боғлиқ фаолиятни тартибга солувчи норматив-хукукий хужжатларни билиши, тегишли тиббий хужжатларни ўз вақтида тўлиқ, тўғри ва сифатли расмийлаштириши лозим. Улар компьютер саводхонлигига эга бўлиши керак.

8-боб. Тиббий кўрикни ташкил этишда хоналарга қўйиладиган талаблар

39. ТУК аъзолари тиббий кўриқдан ўтказиш фаолиятини амалга ошириш учун санитария нормалари ва меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқ бўлган алоҳида хоналар ва зарур жиҳозлар, белгиланган талабларга кўра тиббий техника ва тиббий буюмлар билан таъминланган бўлиши керак.

40. Офтальмолог ва оториноларингологлар учун узунлиги 5 метрдан кам бўлмаган ва маҳсус текширувларни ўтказишлари учун офтальмологга - коронгилаштириш мумкин бўлган, оториноларингологга-ташқи товушдан изоляцияланган хоналар ажратилиши керак.

41. Тиббий кўриқдан ўтказишга тегишли хужжатлар, авиаходимлар шахсий тиббий хужжатларини сақлаш ва иш юритиш учун ТУК котибига алоҳида хона ажратилади.

42. ТУК фаолият юритаётган бино фасадида ТУКнинг номи ва иш тартиби ёзилган пешлавҳа бўлиши керак.

43. ТУК аъзолари, мутахассис маслаҳати ва тиббий текширувлар ўтказишу, тиббий фаолияти лицензияланган, ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари ва илмий-тадқиқот лабораторияларидан ўрнатилган тартибда фойдаланишлари мумкин.

ТУК тасарруфида стационар ёки диагностик базанинг мавжудлиги мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

9-боб. ТУК аъзоси гувоҳномасини бериш

44. Мазкур Коидалар талабларига жавоб берган шифокор-мутахассисга, қатъий ҳисобда турувчи бланкаларда, ваколатли орган раҳбари томонидан имзоланган ва гербли мухр билан тасдиқланган мазкур Коидаларнинг 5-иловасига мувофиқ белгиланган шаклдаги ТУК аъзоси гувоҳномаси берилади. Гувоҳномада тиббий кўриқдан ўтказишга руҳсат этилган шахслар таркиби ва амал қилиш муддати кўрсатилади. Гувоҳноманинг амал қилиш муддати текширув натижаларига кўра 5 йилгача муддатга белгиланади.

45. Гувоҳнома “Гувоҳнома бериш реестри”да қайд этилади ва эгасига берилади, унинг нусхаси ваколатли органда сақланади.

46. Гувоҳнома йўқолганда ёки яроқсиз ҳолга келганда эгасининг аризасига кўра гувоҳноманинг дубликати расмийлаштирилиб берилади.

47. Ушбу Коидаларнинг 6-иловасида белгиланган шакл бўйича тайинланган ТУК аъзоларининг рўйхати, мазкур ТУКда тиббий кўриқдан ўтказишга руҳсат этилган шахслар таркиби кўрсатилган ҳолда ваколатли орган раҳбари томонидан имзоланади, гербли мухр билан тасдиқланади ва ТУК раисига берилади.

48. ТУК аъзоларини ёки тиббий кўриқдан ўтказишга руҳсат этилган шахслар таркиби ўзгарганда, мазкур ўзгариш ҳақида ТУК раиси ваколатли органни 3 иш кун ичидаги ёзма равища хабардор қиласи. Таркибга қўшимча аъзо киритилганда, таклиф этилаётган номзодни мазкур ТУК таркибига тайинлаш учун ТУК раиси амалдаги гувоҳномага эга шифокор-мутахассисга тегишли зарур ҳужжатларни кузатув хати билан ваколатли органга юборади. Ўзгаришлар ТУК иловасини алмаштириш йўли билан амалга оширилади.

10-боб. Гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш

49. Гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугашидан камида бир ой олдин, гувоҳнома эгаси томонидан гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисида ариза ваколатли органга берилади.

50. Гувоҳноманинг навбатдаги муддатга узайтириш ва расмийлаштириш тартиби ТУК аъзосини биринчи марта тайинлаш тартибига мувофиқ амалга оширилади. Бу ҳолда, гувоҳноманинг амал қилиш муддати давомида ўзгаришлари бўлмаган ҳужжатлар қайта тақдим этилмаслиги мумкин ва тегишли ҳужжат умумий рўйхатда “ўзгаришсиз” ёки “олдин тақдим этилган” деб изоҳланади.

51. Ваколатли орган зарурият бўлганда гувоҳноманинг амал қилиш муддатини бир ойгача муддатга узайтириши мумкин. Бу ҳолда, гувоҳномага тегишли ёзув расмийлаштирилади, ваколатли орган раҳбари томонидан имзоланади ва мухр билан тасдиқланади.

52. Навбатдаги муддатга гувоҳнома олганда, ёки тўхтатиб турилганда, ёки тугатилганда, ёки гувоҳнома бериш рад этилганда, гувоҳнома эгаси ваколатли органга илгари берилган гувоҳноманинг асл нусхасини қайтариши шарт.

11-боб. Гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиши

53. ТУК аъзоси томонидан ваколатли орган томонидан белгиланган норматив-хукукий ҳужжатлар талабларини парвозлар хавфсизлигига салбий таъсир қилувчи бузилганлиги аниқланганда, ваколатли орган инспектори ваколатли орган директорига дарҳол хабар беради ва ТУК аъзоси гувоҳномасини тўхтатиб туриш, тугатиши ёки гувоҳнома билан берилган ҳукуқларни чегаралаш (вакътинчалик ёки доимий равища) ҳақида тавсиянома киритади. Мазкур ишга

тегишли шарт-шароитлар ваколатли орган доирасида ўрганиб чиқилиб, гувоҳномани тўхтатиб туриш, тугатиш ёки гувоҳнома билан берилган ҳуқуқларни чегаралаш (вақтингчалик ёки доимий равишида) ҳақидаги маслаҳатлашув ва келишувдан кейин, гувоҳномани амал қилиш муддати тўхтатилганлиги, тугатилганлиги ёки гувоҳнома билан берилган ҳуқуқларни чегаралаш (вақтингчалик ёки доимий равишида) ҳақида гувоҳнома эгасига ёзма равишида огоҳлантириш юборилади.

Гувоҳномани амал қилиш муддати тугатилганда, ТУК аъзоси ўз фаолиятини тўхтатади ва дарҳол гувоҳномани асл нусхасини ваколатли органга қайтариб беради.

54. Гувоҳномани амал қилиш муддатини тўхтатиб туриш З ойгача бўлган муддатга белгиланади.

55. Гувоҳномани амал қилиш муддатини тўхтатилганлиги ёки тугатилганлиги тўғрисидаги маълумот, икки иш қуни ичида, таркибида ТУК фаолият юритаётган тиббий муассаса раҳбарига ёки мустақил фаолият юритаётган ТУК раисига ва тегишли ФА авиакорхона раҳбарига юборилади.

56. ТУК фаолиятида номувофиқлик ва камчиликларни қайта юзага келиши, ваколатли орган томонидан қўшимча инспекция текширувларини ўтказилишига сабаб бўлади.

57. Амал қилиш муддати тўхтатиб турилган гувоҳномани тикланишида, аниқланган номувофиқлик ва камчиликлар сабаблари ваколатли орган томонидан ўрганилади ва уларни бартараф этиш бўйича муддат белгиланади. Ваколатли органга чора-тадбирлар режаси тақдим этилади ва номувофиқликлар бартараф этилгандан кейин, гувоҳноманинг асл нусхаси қайтариб берилади.

Номувофиқликлар ва камчиликларни ҳақиқатан ҳам бартараф этилганлигини текшириш мақсадида, ваколатли орган режадан ташқари инспекция текширувини ўтказиши мумкин.

12-боб. ТУК аъзолари фаолиятини назорати

58. ТУК аъзолари фаолиятини назоратини амалга ошириш мақсадида бир йилда бир марта ваколатли орган инспекция текширувини ўтказади.

59. ТУК аъзолари фаолиятини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари бузилганлиги ҳақида маълумотлар ёки ТУК аъзолари фаолиятига доир шикоятлар бўлганда ваколатли органга раҳбариятининг оператив топшириғига биноан режадан ташқари инспекция текшируви ўтказилади.

60. Инспекция текшируви даврида, ТУК раиси ёки унинг вазифасини бажарувчи ТУК аъзоси зарур ҳужжатларни тақдим этиши ва уни ўтказиш учун шароитларни таъминлаши шарт.

61. Ўтказилган барча текширувлар натижаси бўйича хулоса ва тавсиялар кўрсатилган далолатнома расмийлаштирилади.

13-боб. Якуний қоида

62. Мазкур Қоидалар талабларини бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида
тиббий-учиш комиссиялари аъзоларини тайинлаш
тўғрисидаги авиация қоидаларига

1-ИЛОВА

**Ваколатли орган
рахбарига**

**Авиация ходимларини тиббий кўриқдан ўтказиш бўйича тиббий фаолиятни амалга ошириш мақсадида
тиббий-учиш комиссияси аъзосини тайинлаш учун
АРИЗА**

номидан

(Номзод (ТУК аъзоси) Ф.И.Ш.)

амалдаги норматив-хуқуқий хужжатлар талабларига мувофиқ авиаация ходимларини тиббий кўриқдан ўтказиш бўйича
тиббий фаолиятни амалга ошириш учун ТУК аъзоси этиб тайинлашни ва гувоҳнома беришингизни сўрайман. ТУК
аъзосининг тиббий фаолиятига қўйилган барча шартлар ва талабларни бажаришни ўз зиммамга оламан.

Тайинланаётган ТУК аъзосининг фаолияти доирасида тавсифи:

ТУК юридик манзили:

ТУК аъзосининг телефон рақами: _____ эл. почтаси: _____

Турар жойи манзили:

Қўшимча маълумотлар:

Қўйидаги хужжатлар илова қилинди:

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____
5. _____
6. _____

(имзо, Ф.И.О.)

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида
тиббий-учиш комиссиялари аъзоларини тайинлаш
тўғрисидаги авиация қоидаларига

2-ИЛОВА

ТУК аъзоларининг таркиби

(*ТУК номи*)

Т/р	Ф.И.О.	Мутахассислиги и ва лавозими	Малака тоифаси, илмий даражаси (кайси йилда берилган ёки тасдиқланган)	Авиация тиббиёти бўйича маълумоти, мутахассислиги (кайси йилда)	Асосий иши бўйича МОК (качон, каерда)	Иш стажи (умумий ва ФАда)	Тиббиёт олийгоҳи ва факультетнинг номи, диплом рақами ва берилган санаси

ТУК раиси _____
(*имзоси ва Ф.И.О.*)

М.Ў.

20 ____ й. “ ____ ” _____

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида
тиббий-учиш комиссиялари аъзоларини тайинлаш
тўғрисидаги авиация қоидаларига

3-ИЛОВА

**ТУК аъзосининг тиббий техника ва тиббий буюмларини текшириши
далолатномаси**

ТУК аъзоси (номзод) Ф.И.О: _____

T/p	Фаолият мезонлари	Баҳолаш (қониқарли, қониқарсиз)
1.	Тиббий техниканинг техник хужжатлари мавжудлиги: техник таъриф, паспорт, техник хизмат кўрсатишга доир имкониятлар	
2.	Тиббий техниканинг техник ҳолати: созланганлиги, ишлаш ресурслари, фойдаланиш муддатлари, маънавий эскирганлиги	
3.	Белгиланган нормативлар асосида тиббий техника ва тиббий буюмлар билан таъминланганлиги	
4.	Метрологик назорат ва унинг ўз вақтида ўтказилиши	
5.	Таъминалаш ва техник хизмат кўрсатишнинг ташкил этилганлиги	
6.	Техника хавфсизлигига риоя килиниши: эксплуатация килиш ҳукуқини берувчи гувоҳнома ёки йўрикномаларнинг мавжудлиги, хавфсизлик техникаси бўйича бирламчи ва навбатдаги инструктаж ўтказилганлиги, маҳсус кийим ва ҳимоя воситалари билан таъминланганлиги	

Сана: 20 ____ й. “ ____ ” _____

(Инспектор Ф.И.О. имзо)

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида
тиббий-учиш комиссиялари аъзоларини тайинлаш
тўғрисидаги авиация қоидаларига

4-ИЛОВА

**Тиббий хужжатлар ва иш юритиши текшириш
далолатномаси**
ТУК аъзоси (номзод) Ф.И.О: _____

Т/р	Фаолият кўрсаткичлари	Бахо (яхши, қониқарли, қониқарсиз)
1.	Ҳисобот хужжатларининг мавжудлиги, юритилиши	
2.	Тиббий хужжатларининг юритилиши: қасаллик эпикризини расмийлаштириш, қўшимча тиббий текширувлар, маслаҳатлар, ташхис қўйиш, мутахассислиги бўйича асосланган тиббий хулоса чиқариши, даволаш, динамик кузатувни олиб бориши	
3.	Иш юритиши норматив қоидаларига риоя этиши	
4.	Тиббий хужжатларнинг архивда сакланиши: шартлари ва муддатларига риоя этиш; хужжатларни йўқ қилиш тўғрисидаги далолатномаларнинг мавжудлиги	
5.	Ҳисоботларнинг тўғри расмийлаштириш ва белгиланган вактида тақдим этиш	
6.	Ҳисобот ва тиббий хужжатлар юритилишини ТУК раиси томонидан назорати	
7.	Оргтехникадан фойдаланиши	

Сана: 20____й. “_____” _____

(Инспектор Ф.И.О., имзо)

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида
тиббий-учиш комиссиялари аъзоларини тайинлаш
тўғрисидаги авиация қоидаларига

5-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ТУК аъзосининг ГУВОҲНОМАСИ

(ТУК аъзосининг Ф.И.О.)

куйидаги шартлар ва чекловларга мувофиқ авиация ходимларини тиббий кўрикдан
ўтказишни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси
тиббий-учиш комиссияси аъзоси этиб тайинланди.

Мазкур гувоҳнома бошқаларга берилиши мумкин эмас.

Гувоҳноманинг амал қилиниши белгиланган тартибда тўхтатилиши, тугатилиши
ёки бекор қилиниши мумкин.

Шартлар ва чекловлар: _____

Берилган муддати _____

Амал қилиш муддати _____

Ваколатли орган раҳбари:

(Ф.И.О., имзо)

М.Ў.

Биринчи марта гувоҳнома берилган сана: 20____й. “____” _____

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида
тиббий-учиш комиссиялари аъзоларини тайинлаш
тўғрисидаги авиация қоидаларига

6-ИЛОВА

(ТУК номи)

Тиббий-учиш комиссиясининг тайинланган аъзолари

T/p	Фамилияси, исми, отасининг исми	Мутахассислиги
1		
2		
3		
4		
5		

Ваколатли орган раҳбари

М.Ү.

(Ф.И.О., имзо)

Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг

2022 йил _____ -сон **бўйругига**

2-ИЛОВА

Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий норматив-хуқуқий хужжатлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2007 йил 15 ноябрдаги 167-сон “Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси авиакорхоналарида тиббий-учиш эксперт комиссияларини тайинлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги бўйруғи (рўйхат рақами 1747, 2007 йил 11 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2007 й., 50-51-сон, 525-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2016 йил 8 апрелдаги 74-Н-сон “Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси авиакорхоналарида тиббий-учиш эксперт комиссияларини тайинлаш тартиби тўғрисида низомнинг 32-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида”ти бўйруғи (рўйхат рақами 1747-1, 2016 йил 4 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2016 й., 18-сон, 207-модда).